

Витамин В12 камқонлиги ва уни даволаш

Феруза Хайдаровна Маматкулова
Жаҳонгир Шерзод ўғли Усмонқулов
Самарқанд давлат тиббиёт университети

Аннотация: Маколада витамин B12 танқислиги камконлигининг эпидемиологияси, келиб чикиш сабаблари, даволаш тактикаси келтирилган. Организмдаги уч муҳим функция - асаб соғлигини сақлаш, қон айланиши ва ДНК синтези - B12 витаминида мавжуд. Агарда ушбу витамин етишмаса, одам кучли ҳолсизлик ва ҷарчоқни ҳис қиласи, деб ёзади Express. Harvard Health маълумотларига кўра, B12 витаминининг танқислиги белгиларни секин-аста вужудга келтириб, уларни кучайтирган ҳолда жуда секин шаклланиши мумкин. Бироқ айрим ҳолатларда B12 витамини танқислиги нисбатан тез шаклланади. Мазкур озуқа танқислиги турли белгиларни юзага келтириши ҳисобга олинадиган бўлса, уни бошқа бирор қасаллик билан адаштириб юбориш қийин эмас. B12 танқислигини юзага келтирадиган иккита асосий омил мавжуд - хавфли анемия ва овқат рационида витамин етишмаслиги. Хавфли анемия - бу аутоиммун қасаллик бўлиб, у организмнинг ички факторларини - ошқозонда синтез қилинадиган ва ичакларда B12 витаминининг сўрилиши учун керак бўлган оқсилни ишлаб чиқаришига халақит беради. Шунингдек, турли диеталар, ҳусусан, вегетариан ва веган диеталари B12 витамини танқислиги юзага келиш хавфини оширади. B12 витамини асосан ҳайвон маҳсулотларида ва бойитилган овқатларда мавжуд. Текширувлар Самарқанд шахар, Нуробод, Булунғур ва Нарпай туманларида ўтказилди. Текширувлар натижаси шуни кўрсатадики витамин B12 танқислиги камқонлиги қўйидаги ҳолатларда келиб чиқади: - Норационал овқатланиш, алиментар фактор, витамин в 12нинг организмда сўрилишига қаршилик қиласидан махсулотларини мунтазам истеъмол қилиш. - Қарияларда учрайди. - Ошқозонни 2/3 қисмини резекциясида - Гельминтозлар: кенг тасмасимон гижжа, яъни *Diphyllobothrium latum*.каби гельминтозлар витамин B12 танқислиги камқонлигига олиб келади. - Ошқозон- ичак трактидан қон кетишилар, диафрагмал чурралар, витамин B12 танқислиги камқонлиги ривожланади. - Сурункали алкоголикларда - Сурункали гепатит, жигар циррозларида.

Калит сўзлар: витамин B12 танқислиги камқонлиги, парестезиялар, гельминтозлар, рационал овқатланиш, алиментар фактор.

Vitamin V12 anemia and its treatment

Feruza Khaidarovna Mamatkulova
Jakhongir Sherzod oglu Usmankulov
Samarkand State Medical University

Abstract: Data of epidemiology, the reason, tactics of treatment of an iron deficiency anemia are provided in article. The researches conducted prevalence of an iron deficiency anemia in Bulungur and by Narpay districts of the Samarkand region of the Republic of Uzbekistan showed that major factors of diffusion of this pathology is the following: - Metrorrhagias - the wrong use of endometrial contraceptives, thereof development of acute and chronic bleedings. - A nutritional factor, traditional, regular consumption of the foodstuff interfering an iron absorption - tea and dairy products. - Short interval between labors and frequent abortions. - Helminthiases and other reasons In the state of epidemiology, vitamin B12 deficiency, its causes, and treatment tactics are presented. Three important functions in the body-nerve health, blood circulation, and DNA synthesis-are performed by vitamin B12. In the absence of this vitamin, a person's feelings are weak and bad. According to Harvard Health, vitamin B12 deficiency can develop very slowly, causing symptoms to develop slowly and worsen. However, in some cases, vitamin V12 deficiency develops relatively quickly. Ego can easily be confused with any other disease given that this lack of nutrition causes different symptoms. There are two main causes of V12 deficiency - pernicious anemia and lack of vitamins in the diet. Pernicious anemia is an autoimmune disease in which the body's production of intrinsic factor, which is synthesized in the stomach and is necessary for the absorption of vitamin B12 in the intestine, is disrupted. In addition, various diets, especially vegetarian and vegan ones, increase the risk of vitamin B12 deficiency. Vitamin B12 is needed in foods and food fortified foods. The inspection was carried out in the cities of Samarkand, Nurabad, Bulungur and Narpais. Research results show that vitamin B12 deficiency anemia occurs in the following cases: - Irrational nutrition, regular consumption of food, prevention of absorption of the alimentary factor, vitamin B 12 in the body. - Occurs in the elderly. - Resection of 2/3 of the stomach - Helminthiases: helminthiases such as tapeworm, Diphyllobothrium latum, cause anemia caused by vitamin B12 deficiency. - Bleeding from the gastrointestinal tract, diaphragmatic hernia, vitamin B12 deficiency anemia develops. - He is a chronic alcoholic - Chronic hepatitis, cirrhosis

Keywords: iron deficiency anemia, chronic hepatitis, cirrhosis, helminthiasis, rational nutrition, nutritional factor

Витамин В12 танқислиги камқонлиги - организмда витамин В12 моддасининг етишмовчилиги туфайли эритропоэзниң бузилиши ва шунинг натижасида орган ва тўқималарда, асосан орқа миянинг сезувчи нервларида трофик ривожланишининг ўзгариши билан характерланадиган касаллик ҳисобланади. Витамин В12 танқислиги кенг тарқалганлиги сабабли узоқ йиллардан буён мухим муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра ер юзида 3 167 400 000 киши анемия билан касалланган, шундан 80-90% яъни 1 570 490 000 киши витамин В12 танқислиги камқонлиги билан оғриган. Ривожланган давлатларда ушбу қўрсаткич ривожланаётган давлатларга нисбатан паст. Дунёда қариялар, жигар касалликлари билан bemorlarning 70,5-87% витамин В12 танқислиги камқонлигидан азият чекади. Витамин В12 - организмнинг кўпгина метаболитик жараёнларида қатнашади. Организм витамин В12нинг асосий қисмини эндоген ва экзоген йули билан олади. Ундан ташқари витамин В12 овқат махсулотлари билан қабул қилиниб ичакларда, махсус фермент- ички Кастл омили орқали сўрилади. Ушбу фермент организмнинг виатминга бўлган эхтиёжини қондиришда мухим рол ўйнайди, чунки анемия келиб чиқиши кўпинча айнан шу фермент катта аҳамиятга эга. Радиоактив темир билан текширувлар ўтказилганда витамин В12 ичакларнинг проксимал қисмида, "дуоденум+" ёнбош ичак" комплексида сўрилиши аниқланган - [1]. Витамин В12 овқат билан коболамин холатида (хайвон махсулотларида - гўшт, балиқ, жигар, тухум кабилар таркибида бўлиб, бутун витамин В12нинг 30-40%ини ташкил қиласи ва яхшироқ ўзлаштирилади), шунингдек (мева, сабзавот, дон, ёнғоқ ва ўсимлик махсулотларида бўлиб, бутун витамин В12нинг 60% ини ташкил қиласи ва нисбатан ёмон сўрилади) ўн икки бармоқли ичакка тушади. Овқат билан организмга тушган цианокоболамин ошқозон шиллиқ қаватларида ишлаб чиқиладиган Кастл омили билан биришиб, ҳосил бўлган комплекс бирикма ёнбош ичакнинг шиллиқ қаватлари рецепторлари билан ўзаро таъсирашиб. Умумий қон оқимига тушади. Сўнг транспорт оқсили бўлган транскоболамин кўринишида суяқ қўмигига бориб қон хужайраларининг ҳосил бўлишида қатнашади. Захирадаги витамин В12 жигарда тўрланиб боради - ферритин ва гемосидерин оқсиллари бўлиб, жигарда, талоқда ва мушакларда тўпланади. Хужайравий витамин В12 етишмовчилиги холатида ишга тушади. В12 витамини парентерал қўлланганида тизимли қон оқимига тез тушади. Конда транскоболаминлар билан боғланади. Асосан жигарда тўпланади. Цианокоболаминни плазма оқсиллари билан боғланиши - 90%. Тери остига ёки мушак ичига юборилганидан кейин максимал концентрацияга эришиш вақти (T_{Cmax}) тахминан 1 соатни ташкил қиласи. Жигардан ичакка сафро билан чиқарилади ва қонга қайта сўрилади. Жигардан ярим чиқарилиш даври ($T_{1/2}$) -

500 кун. Буйракнинг нормал функциясида 7-10% буйраклар орқали, тахминан 50% - аҳлат билан чиқарилади; буйрак функцияси пасайганида - 0-7% буйрак орқали, 70-100% аҳлат билан чиқарилади.

70 кг ли соғлом одам қонида меъёрда витамин B12 197-771 пг/мл ни ташкил этади ва у организмда мухим моддалар алмашинуви жараёнларида қатнашади. Овқат орқали тушадиган витамин B12 моддаси организмдаги умумий ҳажмнинг 70-80%ини ташкил қиласи. Қолган қисмини эса транскоболамин, кастл омили каби ферментлар таркибидаги ва захирадаги цианокоболамин ташкил қиласи. Таркибидаги энг кўп витамин B12 сақлайдиган махсулотлар (100 г хисобида) - мол жигари 90%, гречка ёрмаси - 8,0 г, мол тили - 5,0 г, учрайди. Овқат махсулотларидан ВИТАМИН B12 моддасини сўрлиши учун хам баъзи шароитлар бўлиши керак. Озиқ моддалар таркибидаги аскорбин кислотаси, лимон кислотаси, фруктоза, метионин ва цистеин темирни сўрилишини тезлаштираса, фосфатлар, оксалат, калций сақловчи моддалар унинг сўрилишига монелик қиласи. Витамин B12нинг овқат махсулоти билан сўрилиш миқдори чегараланган. Организм ичак шиллиқ қаватидаги витамин B12ни қонга ўтишини мустақил бошқаради. Қонда витамин B12 миқдори камайса шиллиқ қаватдаги витамин B12 қонга ўтади. Тескари холатда шиллиқ қаватда сақланган витамин B12 кастл омили билан қўшилиб организмга тарқатилади. Соғлом овқатланганда 1 суткада витамин B12 овқат махсулотлари билан тушади - [3]. Сўриладиган витамин B12нинг 1 суткада суммар миқдори 35 мг. Витамин B12нинг сарфланиши: физиологик йуқотишлар (аҳлат, сийдик, тер, тери эпителийси билан 1 мг). Агарда организмда витамин B12 тушиши ва сарфланишида номутаносибликлар бўлмаса организмга тушадиган витамин B12 сарфланадиган миқдорни тўлик қоплайди. Витамин B12 танқислигини келтириб чиқарувчи сабаблар қуидагилар:

1. Малаабсорбция синдроми:энтеритлар, Крон касаллиги.носпецифик ярали колитлар.
2. Ичак гижжа инвазияси: хусусан дифиллоботриоз
3. Атрофик гастрит
4. Алиментар етишмовчилик
5. Организмда витамин B12 захирасининг камлиги
6. Витамин B12 нинг ташилишининг бузилиши.
7. Ичаклар сили ёки лимфомаси
8. Ошқозонни тўлик ёки қисман резекцияси

Овқат билан тушадиган витамин B12 организм учун мухимдир, маълум сабабларга кўра очлик, овқат рационида витаминга бой махсулотларнинг етишмовчилиги организмдаги цианокоболамин захирасининг тугаб касаллик холатига олиб келади. Экологик муаммолар атроф мухитда, тупроқда, сувда

витамин В12 моддасини камайтиради. Бу ўз навбатида истеъмол қилинадиган ўсимлик ва хайвон махсулотларида витамин В12 моддасининг кам бўлишига сабаб бўлади. Шундай экан рационал овқатланиш режими бўлган тақдирда хам организмга етарли миқдорда витамин В12 тушмаслиги мумкин. Маълумки витамин В12 моддаси ичаклардан махсус кастл омили ферменти орқали ташилади. Ушбу ферментнинг туғма етишмовчилиги витамин В12 моддасининг сўрилиши бузилишига сабаб бўлади - [4]. Юқоридаги сабабларга олиб келувчи ошқозон-ичак трактидан қон кетиши, тез-тез туғруқлар каби омиллар регионда минимумга яқинлаштирилган бўлсада витамин В12 дефицити камқонлиги хамон долзарблигича қолмоқда. Самарқанд вилояти Нуробод, Булунғур ва Нарпай туманларида ўтказилган текширувлар виатмин В12ни келтириб чиқарувчи омилларни куйидаги тартибини кўрсатган.(5;6)

- Биринчи ўринда метрорагиялар бўлиб, кўпинча хомиладорликдан сақланиш учун бачадон ичи воситасидан ўринсиз фойдаланиш туфайли ўткир ва сурункали қон кетишлардан сўнг витамин В12 танқислиги юзага келган.

- Иккинчи ўринда алиментар фактор етакчи рол ўйнайди. Ахолини витамин В12 моддасини организмда сўрилишига қаршилик қиласидиган чой, қахва махсулотларини муентазам истеъмол қилиши хам ушбу касалликка сабаб бўлади.

-Учинчи ўринда жигар касалларни: сурункали гепатит, жигар циррози ва -Тўртинчи ўринда сурункали алкогозизм туради.

Кейинги ўринларда гелминтоз ва бошқа сабаблар киради. Минтақамиизда аҳоли ўртасида гелминтозлар ва турли ичак инфекциялари тарқалганлиги витамин В12 юзага келиши учун замин яратади. Вилоятда ўтказилган 14-58 ёшгача бўлган аҳоли текширувдан ўтказилганда гижжадан заарланиш 42.8% ни ташкил қилиб, ундан 93.2% энтеробиоз, 71% аскаридоз, 25,5% дифилоботриоз аниқланган. Ушбу гелминтлар витамин В12 сўрилиши бузилишига олиб келади - [4].

Витамин В12ни даволашда уни келтириб чиқарувчи асосий касаллик (ошқозон яраси, йуғон ичак лимфомаси, жигар касалларни ва х.к.) аниқланиши керак. Асосий касаллик давосидан сўнг ёки анемия мустақил касаллик сифатида аниқланганидан сўнг витамин В12 (йианокоболамин)препаратлари билан даволашни бошланиши керак -[5]. Цианокоболамин препаратлари парентерал қўлланилади. Улар бир-биридан сўрилиш даражаси, ножўя таъсирлари ва нархи билан фарқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ахолининг аёллар ва қариялар, жигар касалларни билан оғрийдиган беморлар қатлами энг кўп витамин В12 танқислиги анемиясидан азият чекади. Бугунги кунда Витамин В12 келиб чикишида жигар циррози, сурункали гепатитлар, алиментар омил ва даволашни тўлиқ амалга оширмаслик мухим сабаблар каторига киради.

Маълумки витамин В12 танқислиги камқонлиги сурункали касаллик эмас, лекин ахоли ундан узок йиллар азият чекади. Бу даволашнинг охиригача етказилмаслиги ва профилактика ишлари тўлик йулга кўйилмаганлиги ёки назорат килинмаслиги билан боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вестник гематологии. Шамов И.А., Гасанов Р.О. «Железо, абсорбция, транспорт» Санкт-Петербург 2016.
2. Руководство по рациональному использованию лекарственных средств. Под ред. Чучалина А.Г., Белоусова Ю.Б., Хабриева Р.У., Зиганшиной Л.Е. – М.: ГЕОТАР-Медиа, 2006.
3. Красновский А.Л., Цибульская М.М., Ежова И.С., Золкина И.В. ва б.к. Современные возможности диагностики и лечения дефицита витамина В12. Клиницист .2016.№3.
5. Махмонов Лутфулла Сайдуллаевич, Ризаев Жасур Алимжанович, Гадаев Абдиагффор Гадаевич HELICOBACTER PYLORI ВА УНИ ТЕМИР ҲАМДА ВИТАМИН В12 ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИ ЮЗАГА КЕЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ. Проблемы биологии и медицины. 2021, №5 (130). с. 215-218
6. А.Г Гадаев, Л.С Махмонов, Ф.Х Маматқурова Helicobacter pylori билан ассоцияланган темир ва витамин в12 танқислиги камқонликларида яллиғланиш цитокинларининг айрим лаборатор кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги. БИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ МУАММОЛАРИ 2022, № 5 (139) 32-37
7. U.D DADAJONOV, KM ABDIEV, FX MAMATKULOVA. Innovative methods of treatment of immune thrombocytopenic purpura in young people Society and innovations, 52-56 Society and innovations, 52-56
8. Mamatkulova F. X. Mamatova N. T. Ruziboeva.O. N. Prevention Of Anemia In Patients With Tuberculosis. The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research, 2(11), 62–65.
9. L. S. Makhmonov., F. Kh. Mamatkulova., M. B. Berdiyarova. , K.E. Shomurodov.THE MAIN CAUSES OF ANEMIA IN IRON AND VITAMIN B 12 DEFICIENCY ASSOCIATED WITH HELICOBACTER PYLORI
10. Makhmonov L. S., Mamatkulova F. Kh., Kholturaeva D. F., Muyiddinov Z. Z.IMPORTANCE OF DETECTION OF HEPSIDINE AND INTERLEUKINS IN IRON DEFICIENCY ANEMIA. Asian Journal of Multidimensional Research ISSN: 2278-4853 Vol. 11, Issue 4, April 2022
11. Mamatkulova F. X. Mamatova N. T. Ruziboeva.O. N. Prevention Of Anemia In Patients With Tuberculosis. The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research, 2(11), 62–65.
12. L. S. Makhmonov., F. Kh. Mamatkulova., M. B. Berdiyarova., K.E. Shomurodov.THE MAIN CAUSES OF ANEMIA IN IRON

AND VITAMIN B 12 DEFICIENCY ASSOCIATED WITH HELICOBACTER PYLORI

13. Makhmonov L. S., Mamatkulova F. Kh., Kholturaeva D. F., Muyiddinov Z. Z. IMPORTANCE OF DETECTION OF HEPSIDINE AND INTERLEUKINS IN IRON DEFICIENCY ANEMIA. Asian Journal of Multidimensional Research ISSN: 2278-4853 Vol. 11, Issue 4, April 2022

14. Dadajanov U. D., Mamatkulova Feruza Xaydarovna, R. Oyjamol N. Features Of Thrombophilia In Covid-19 European Journal of Molecular & Clinical Medicine 2020/12/26. 07/03

15. У Дадажонов, К Абдиев, Ф Маматкулова. .Инновационные методы лечения иммунной тромбоцитопенической пурпуры у лиц молодого возраста. Жамият ва инновациялар.4-2021.

16. ON Ruziboeva, KM Abdiev, AG Madasheva, FK Mamatkulova MODERN METHODS OF TREATMENT OF HEMOSTASIS DISORDERS IN PATIENTS WITH RHEUMATOID ARTHRITIS Ученый XXI века 78 (7), 8-11.

17. KM Abdiev, FK Mamatkulova, KM Shomirzaev. STRUCTURE OF COMORBIDITY IN IDIOPATHIC THROMBOCYTOPENIC PURPLE ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 12 (12), 52-56

18. Маматова Н.Т. Опыт применения краткосрочных курсов лечения у больных туберкулёзом с множественной лекарственной устойчивостью в Самаркандской области. Вестник научно-исследовательского института туберкулёза, 106-107, 2020.

19. Makhmonov L.S., Sh. Koraboev S.K., Gapparova N..Sh, Mamatkulova F. Kh. Early d Early diagnosis and treatment of funicular myelosis in v12 deficiency anemia. Asian Journal of Multidimensional Research Year : 2022, Volume : 11, Issue : 5. First page : (369) Last page : (373) Online ISSN : 2278-4853.

20. MAKHMONOV Lutfulla, RIZAEV Jasur, GADAEV Abdigaffor. The importance of helicobacter pylori in iron and vitamin b12 in deficient anemia. Journal of Biomedicine and Practice. 2021, vol. 6, issue 5, pp. 168-173

21. ON Ruziboeva, KM Abdiev, AG Madasheva, FK Mamatkulova MODERN METHODS OF TREATMENT OF HEMOSTASIS DISORDERS IN PATIENTS WITH RHEUMATOID ARTHRITIS. Ученый XXI века • 2021 • № 7 (78). 7-11.

22. KM Abdiev, AG Madasheva, FK Mamatkulova MODERN METHODS OF TREATMENT OF HEMORRHAGIC SYNDROME AT AN EARLY STAGE IN PATIENTS WITH IDIOPATHIC THROMBOCYTOPENIC PURPURA. УЧЕНЫЙ XXI BEKA, 41-44 .

23. Mamatkulova F.Kh. Shomurodov K.E., Temirov N. N. Significance. Of Helicobacter Pylori In Iron Deficiency. International Journal for Research in

Applied.Science & Engineering Technology (IJRASET)ISSN: 2321-9653; Volume.9 Issue XII Dec.2021.<https://doi.org/10.22.214/ijraset.2021.39443>. 1103-1106

24. Махмонов Л.С.,Маматқулова Ф.Х.,Холиқулов Б.Ё.Тромбоцитопатия билан касалланган аёлларда тухумдон апоплексияси асоратини даволаш тамойиллари Биология ва тиббиёт музаммолари 2022, №1.УДК: 615.3:617.01.134 ISSN 2181-5674 61-67с.

25. KM Abdiev, AG Madasheva, F Kh Mamatkulova. MODERN METHODS OF TREATMENT OF HEMORRHAGIC SYNDROME AT AN EARLY STAGE IN PATIENTS WITH IDIOPATHIC THROMBOCYTOPENIC PURPURA. УЧЕНЫЙ XX

26. LS Makhmonov, FK Mamatkulova, MB Berdiyarova, KE Shomurodov. The main causes of anemia in iron and vitamin b 12 deficiency associated with helicobacter pylori.Nveo-natural volatiles & essential oils Journal| NVEO, 10167-10174I BEKA. Ст.41